


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60111500 - Она тили ва адабиёти (қарақалпақ тили ва адабиёти)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари



Нукус

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 _____ даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «24» 08 _____ даги 5 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 110 000 - Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бе т
1.	<i>60111300 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	5
1.1.	Қўлланиш соҳаси	5
1.1.1.	<i>60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	5
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	5
1.2.	<i>60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	5
1.2.1.	<i>60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	5
1.2.2.	<i>60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	6
1.2.3.	<i>60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	6
1.2.4.	<i>60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2.	<i>60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1.	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
2.3.	Касбий квалификациялар.....	9

3. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.1. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.2. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	10
Библиографик маълумотлар.....	11

**1. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)
бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат орگانлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналиши - умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар,

педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари; оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;

- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

1.2.3. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув.
- педагогик;
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- маънавий-маърифий.

1.2.4. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;

Педагогик фаолиятида:

- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- таълим берувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда тилшунослик, адабиётшунослик, она тили ва адабиёти ўқитиш методикасига оид мавзулар бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш

2. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида

тассаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- замонавий алоқа воситалари ва технологияларидан фойдаланишни билиш;
- яхлит тизимли илмий дунёқараш асосида турли вазиятларни баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- ижтимоий муҳитда шахсни шакллантириш ва белгилаш ва соғлом турмуш тарзига эътибор бериш;
- тилшунослик соҳасидаги дидактик, тарбиявий, ижтимоий ва коммуникатив вазифаларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун тизимлаштирилган назарий ва амалий махсус билимлардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- адабий танқид соҳасидаги дидактик, тарбиявий, ижтимоий ва коммуникатив вазифаларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун тизимлаштирилган назарий ва амалий махсус билимлардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- касбий фаолиятда, шу жумладан инклюзив таълим тизимида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ва ўспиринларнинг психологияси тўғрисидаги билимлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг шахсий ва маънавий-ахлоқий ривожланиши муаммоларини ҳал қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- филология соҳасидаги замонавий илмий парадигма ва таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича билимларни намойиш этиш кўникмаларига эга бўлиш;
- она тилини ўқитиш бўйича билим, кўникма ва кўникмаларни касбий соҳада замонавий талабларга мувофиқ фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.

2.3. Касбий квалификациялар:

Она (қорақалпоқ) тили ва адабиёти, нутқ маданияти дарсларини ўтказиш; мазкур касб соҳасига тегишли муассаларда кабинет мудири, методист ёки лаборант вазифасини бажариш; ижтимоий-гуманитар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг қичик илмий ходими сифатида фаолиятни амалга ошириш; архивлар, ахборот-ресурс марказлари ходимлари сифатида фаолият олиб бориш; нашриёт уйлари ва оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирлари ва таҳрирловчилари; маънавий-маърифий марказлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари сифатида фаолиятни амалга ошириш квалификацияларига эга бўлиши мумкин.

3. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 60111500 - Она тили ва адабиёти (қорақалпоқ тили ва адабиёти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладан, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%

Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

KELISHUV VARAG'I

ISHLAB CHIQLDI:

**Alisher Navoiy nomidagi
Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti**






Sh. Sirojiddinov

2022-yil 24 - 08

KELISHILDI:

**O'zbekiston Respublikasi
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzuridagi
Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va
ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi**



Direktor v. b.



M. Esonov

2021-yil 24 - 08

M.O.

**O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi
vazirligi huzuridagi Respublika ta'lim
markazi**



Direktor



Sh. Sattorov

2021-yil 24 - 08

M.O.